

## Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 62-ҳадис

1162-62-عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ [رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا] قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا الْإِسْتِخَارَةَ فِي الْأُمُورِ كَمَا يُعَلِّمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ، يَقُولُ: إِذَا هَمْ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ.. فَلْيَكُنْ  
كُعْتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ، ثُمَّ لِيَقُلْ: اللَّهُمَّ؛ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَغْفِرُكَ بِثُدْرِتَكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ  
فَضْلِكَ الْعَظِيمِ؛ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلَّامُ الْعُيُوبِ، اللَّهُمَّ؛ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ  
أَنَّ هَذَا الْأَمْرُ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي، وَمَعَاشِي، وَعَاقِبَةِ أُمْرِي - أَوْ قَالَ: عَاجِلٌ أُمْرِي وَآجِلِهِ - .. فَاقْدُرْهُ  
لِي، وَيَسِّرْهُ لِي، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرُ شَرٌّ لِي فِي دِينِي، وَمَعَاشِي، وَعَاقِبَةِ أُمْرِي  
- أَوْ قَالَ: فِي عَاجِلٍ أُمْرِي وَآجِلِهِ - .. فَاصْرِفْهُ عَنِّي، وَاصْرِفْنِي عَنْهُ، وَافْدُرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ  
أَرْضِنِي بِهِ قَالَ: وَيُسَمِّي حَاجَتَهُ.

62-1162. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот шундай дер эдилар: «Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг илминг ила истихора\* қиласман. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Чунки Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ниҳоятда билувчи Зотсан. Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] яхши эканини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшиликни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин».

\* Истихора сўзи луғатда «яхшисини сўраш, танлаш» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса мусулмон киши икки ишдан қай бирини танлаш ёки бажаришга иккиланиб қолганида Аллоҳдан танлаб беришини сўраши, ўз қисматини Аллоҳга топшириши «истихора» дейилади. Ишларнинг яхшиси, мақбулини танлаш учун ўқиладиган икки ракъат нафл намоз «истихора намози» дейилади. Истихора дуосининг ўқилиши: **«Аллоҳумма, инний астахируука би ъилмик. Ва астакдирука би қудротик. Ва ас'алука мин фадликал ъазийм. Файннака тақдиру, ва лаа ақдир. Ва таъламу, ва лаа аълам. Ва анта ъаллаамул ғуюуб. Аллоҳумма, ин кунта таъламу анна ҳаазал амро хойрун ли фий дийний ва маъаший ва ъақибати амри - ъажили амрий ва ъаажилих - фақдурху лий ва ин кунта таъламу анна ҳаазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий - ъажили амрий ва ъаажилих - фасрифху ъанний васрифни ъанҳ. Вақдур лийал хойро ҳайсу каан, сумма роддиний бих».**

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

